БУГУНГИ СОНДА:



Электр – ривожланиш ёқилғиси

2-бет



“Янги замон”да замонавий боғча иш бошлади

2-бет



11 685 та хонадон иссиқлик таъминотига уланади

3-бет


# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 16 (569)
2022 йил 4 март, жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН: МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАР БИР, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР МУШТАРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни давлат ташрифи билан Покистонга келди.

Исломобод шаҳридаги аэропортда давлатимиз раҳбарини Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон кутиб олди.

Покистон Бош вазирининг қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хон фахрий қоровул олдидан ўтиб, шоҳсупага кўтарилди. Ўзбекистон ва Покистоннинг давлат мадҳиялари янгради.

Давлатимиз раҳбари халқларимиз дўстлиги, ҳамжиҳатлиги рамзи сифатида қароргоҳ боғига кўчат экди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон тор доирада музокара ўтказди.

Покистон Бош вазири давлатимиз раҳбарини ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш Покистон учун устувор аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Учрашувда асосий эътибор икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Кейинги йилларда алоқалар анча фаоллашди. Бундан ташқари, икки мамлакатнинг турдош вазирлик ва идоралари, ҳудудлар раҳбарлари доимий мулоқотда бўлиб, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширмоқда.

Пандемияга қарамай, барча соҳалардаги алоқалар ривожланмоқда. Хусусан, 2021 йилда ўзаро савдо айланмаси қарийб 50 фоизга ўсди. Жорий йил бошидан яна 70 фоиз ўсиш кузатилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда покистонлик инвесторлар томонидан ташкил этилган 177 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи арафасида Исломободда Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, бизнес-форум, сиёсий маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хоннинг мулоқотида ушбу тадбирларнинг натижалари кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий келишувлар ҳажми аввалги йилларга қараганда ўсгани, шу билан бирга, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги қайд этилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилар экан, томонларнинг позицияси бир хил ёки ўхшаш экани тасдиқланди.

Ўзбекистон ва Покистон халқаро майдонда, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Афғонистонда кун сайин мураккаблашаётган гуманитар ҳолат унинг яқин қўшнилари сифатида Ўзбекистон ва Покистонда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Ушбу мамлакатга инсонпарварлик кўмаги кўрсатишга жаҳон ҳамжамияти эътиборини кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Имрон Хон Ўзбекистон Президенти туҳфа қилган Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар луғатини катта мамнуният билан қабул қилди. Унда ўзбек ва урду тилларидаги 3 мингдан ортиқ бир хил маъноли сўзлар жамланган.

2-бет

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон – Қозоғистон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат етакчи корхоналарининг, энг аввало, савдо, энергетика, машинасозлик, кимё, қурилиш тармоқлари, транспорт ва логистика соҳаларида кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан олий даражадаги келишувларга мувофиқ қўшма иқтисодий лойиҳалар ва маданий-гуманитар дастурларни илгари суриш борасида ҳукуматлар даражасида мунтазам ва самарали мулоқотлар олиб борилаётгани ижобий баҳоланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари халқаро кун тартиби ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Телефон орқали мулоқот ҳар доимгидек дўстона ва ишонч руҳида ўтди.

**ЎзА.**




## ЯНГИ ҒОЯЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР, МАТЕРИАЛЛАР ВА ҲАМКОРЛАР ПЛАТФОРМАСИ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбирлари.

**Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ“ марказий кўргазмалар мажмуида “UzBuild – 2022” – Ўзбекистон қурилиш саноати халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. “Iteca Exhibitions” халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ва бир қатор расмий ташкилотлар кўмагида ташкил этилган тадбирда 19 давлатдан 180 дан зиёд корхона ўз маҳсулотларини намойиш этди.**

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “Қурилишмашлизинг” “Республика ихтисослаштирилган лизинг компанияси” АЖ ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўргазмани расмий қўллаб-қувватлади.

2022 йил 1 мартдан 4 мартга қадар бўлиб ўтган 23-халқаро қурилиш кўргазмасида “Biznes Aziya”, “Chemistry”, “Ecoplit”, “Texnopark”, “Uzkabel”, “Dorex”, “ETC Uzbekistan”, “Arton” каби маҳаллий корхоналар қаторида Туркия давлатидан 70 та, Россиядан 28 та, Германиядан 20 та, Италиядан 8 та ва Ҳиндистондан 6 та компания қатнашди. Иштирокчилар кўргазма павильонларида металл, ёғоч, алюминий, композит тузилмалари, том ёпиш материаллари, қурилиш кимёси, шунингдек, пол қопламалари, керамика, тош, бўёқлар, гулқоғоз, эшиклар, осма шифтлар, дераза тизимлари каби ташқи ва ички пардозлаш материаллари билан танишишди. Бетон аралаштириш ускуналари, тошга ишлов бериш ва металл дастгоҳлари, майдалагичлар, пайвандлаш қурилмалари, қолип тизимлари каби намуналар тақдимоти ҳам иштирокчилар эътиборидан четда қолмади.

“Қурилиш техникаси ва технологиялари – BuildTech 2022” ихтисослашган бўлимида махсус техника, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи компанияларнинг сўнгги ютуқлари ва ишланмалари, йўл қурилиши учун асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ускуналар намойиш этилди.

4-бет

### ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

## Қозоғистон қурувчилар уюшмаси вакиллари билан учрашув



**“UzBuild – 2022” халқаро кўргазмаси доирасида Қурилиш вазирлигида Қозоғистон қурувчилар уюшмаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.**

Унда вазир ўринбосари Насрулло Бабаев делегация аъзолари билан ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди. Мулоқотда истиқболдаги режаларга алоҳида эътибор қаратилди. Учрашув давомида ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон муҳандис-консультантлар уюшмаси ва Қозоғистон қурувчилар уюшмаси ўртасида Меморандум имзоланди.

### МУНОСАБАТ

## Онамнинг орзуси ушалган кун

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

– Сен албатта, журналист бўлишинг керак?

– Ая, нега айнан журналист бўлишимни хоҳлаяпсиз, ахир, сизга ўхшаб ўқитувчи бўлсам ёмонми?

– Чунки сен менинг орзуимни ушалтиришинг керак. Мен бир умр журналист бўлишни хоҳлаганман. Аммо отам Тошкентга бориб ўқишимга рухсат бермаган, бунга имконимиз ҳам бўлмаган.

Бу онамнинг тақдиримга чиқарган ҳукми эди десам, хато бўлмайди. Зеро, бу қарордан шу кунга қадар бирор марта бўлса-да, афсус қилган эмасман. Фақат... Ўша пайтда содир бўлган бир воқеани умрбод унутмасам керак.

...Магистратуранинг иккинчи босқичига ўтганимда укам ўқишга кирди. Энди оилада уч нафар талаба контрактда ўқийди. “Қайси бирини тўлаймиз?” деб ота-онамнинг боши қотган. Тўнғич фарзандман, бунинг устига 4 йил контрактда ўқиб қўйганман. Энди укаларимнинг навбати, дея ўйлаб-ўйлаб бош муҳаррирга учрашдим.

– Устоз, ойлигимни контракт тўлашга ўтказсам майлими?

У киши менга бирпас қараб турди-да:

– Ойлигингиз қанча ўзи? – деб сўради.

Бир йил ойликсиз ишлашимга тўғри келаркан, агар контракт пулимни тўламоқчи бўлсам.

– Ойлик олмасдан ишласа, одамнинг ишлагиси келмай қолади, шуниям биласизми?

– Билмасам...

– Шартномангизни олиб келиб, ҳисобчига бериб қўйинг.

Орадан икки кун ўтиб, бош ҳисобчи тўлов қоғозини қўлимга тутқазди. Бош муҳаррир хонасига чопдим. Бир дунё миннатдорлик сўзларим бор эди.

– Раҳмат, устоз... – дея олдим холос.

Хонадан чиқа солиб онамга телефон қилдим:

– Ая, ая, таҳририят контракт пулимни тўлаб берди, энди қийналмайсизлар. Ойлигимни ҳам оларканман.

– Йўғ-е, ростанми?

Онам бошқа гапиролмади. Билдимки, қувонганидан йиғлаяпти.

Бироздан кейин телефон қилган онам, бутун таҳририят аҳлини узоқ дуо қилди. Хушхабарни ҳамкасбларига мақтанишга ҳам улгурибди.

2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№16 (569) 2022 йил 4 март

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН: МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАР БИР, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР МУШТАРАК

1-бет

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва логистика, туризм, маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

– Қадимий Буюк ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ва Покистон халқларини азалдан умумий тарих, ўхшаш тил ва бой маънавий мерос боғлаб туради. Биз бугун бу кўҳна анъаналарни қайта тиклаяпмиз. Давлатлараро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан мамнунмиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари яқин истиқболда ўзаро савдо ҳажмини 500 миллион доллар, келгусида эса 1 миллиард долларга чиқариш имконияти борлигини таъкидлаб, бу борадаги муҳим йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, саноат соҳаларида кооперация дастурини, савдо айланмаси таркибини кенгайтириш бўйича “йўл харитаси”ни биргаликда ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Иккинчи муҳим йўналиш – мамлакатларимиз ва минтақаларимиз ўртасида мультимодал транспорт, юк ва ҳаво ташувлари бўйича ҳамкорликни кучайтириш. Яқинда Транзит ва савдо битими кучга кирди, мунтазам юк ташувлари учун асос яратилди.

Президентимиз транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлигини яна бир бор таъкидлади.

– “Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўли бизнинг умумий келажагимиздир. Бу йўл битса, Покистонни Марказий Осиё билан боғлайдиган, Ўзбекистонни Карачи, Гвадар ва Қосим портларига олиб чиқадиган энг яқин, арзон ва хавфсиз йўлакни яратамиз. Бу темир йўл минтақаларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборади, – дея таъкидлади Ўзбекистон раҳбари.

Музокарада ушбу лойиҳани янада илгари суриш бўйича келишувга эришилди.

Доимий авиақатновларни қайта тиклаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ҳам ривожланмоқда. Жумладан, Наманган вилояти ва Панжоб музофоти ишбилармонлари кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Келгусида Сурхондарё вилояти билан Хайбер-Пахтунхва провинцияси ва бошқа ҳудудларда ҳам ана шундай самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Зиёрат туризми – яна бир муҳим йўналиш. Покистонда нақшбандия тариқатининг миллионлаб вакиллари, улуғ алломаларимизнинг ихлосмандлари бор. Қадимий обида ва зиёратгоҳлар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар мероси икки халқ учун ҳам қадрли.

Президентимиз зиёратларни тизимли ташкил этиш мақсадида қўшма гуруҳ тузиш, икки мамлакат Туризм вазирликларининг ваколатхоналарини очишни таклиф қилди.

Учрашувда илм-фан, экология, олий таълим, санъат, кино, спорт соҳаларидаги алоқаларга ҳам эътибор қаратилди.

Ҳукуматлараро комиссия ҳамраислари, вазирлар эришилган келишув ва келгусидаги режалар ҳақида ахборот берди. Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хон уларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаб, тегишли кўрсатмалар берди.

– Ўйлайманки, бугунги очиқ ва сермаҳсул мулоқотларимиз, имзоланадиган ҳужжатлар стратегик шериклигимизнинг янги истиқболли йўналишларини очади. Энг асосийси, биз – икки биродар бир-биримизни яхши тушунамиз. Биз қўйган катта марраларга эришиш учун Ҳукуматларимиз доимий мулоқотда бўлишлари зарур, – деди Президентимиз.

Музокаралар мамлакатларимизда ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш бўйича катта хоҳиш-ирода ва интилиш борлигини яна бир бор тасдиқлади.

Исломободдаги музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Имрон Хон Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида Стратегик шерикликни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, ҳукуматлар ва идоралар ўртасида имтиёзли савдо тўғрисида, атроф-муҳитни асраш, зиёрат туризми, темир йўл соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида келишувлар, Сурхондарё вилояти билан Хайбер-Пахтунхва провинцияси, Тошкент шаҳри билан Исломобод шаҳри ўртасида шартномалар каби 10 га яқин ҳужжат имзоланди.

Бундан ташқари, ташриф арафасида ўтган бизнес-форумда 800 миллион долларлик қўшма савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислом Республикасига давлат ташрифининг биринчи куни якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири ҳар доимгидек очиқлик ва ишонч муҳитида ўтган музокаралар натижаларини мамнуният билан қайд этдилар.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан мулоқотда Покистон халқини яқинлашиб келаётган Покистон куни байрами билан яна бир бор табриклади. Ушбу ташриф катта тарихий воқеа – мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги арафасида ўтаётгани рамзий маънога эга эканини алоҳида таъкидлади. Олий даражадаги конструктив мулоқот, айниқса, кейинги йилларда фаоллашгани Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги шериклик ва ишонч даражасининг жадал ўсиб боришига хизмат қилмоқда.

– Биз Покистон билан биргаликда нафақат икки мамлакат, балки стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик кўпригини бунёд этаяпмиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатларимизда амалга оширилаётган “Янги Ўзбекистон” ва “Ная Покистон” дастурларининг муштарак экани ҳам икки мамлакатнинг қараш ва интилишлари бир-бирига уйғунлигини тасдиқламоқда.

Ташриф доирасида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимнинг имзолангани муҳим қадам бўлди.

Фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, банк-молия ва бошқа асосий йўналишларда кооперацияни кенгайтириш юзасидан муҳим келишувларга эришилди.

Томонлар Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашга қаратилган йирик қўшма транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришга келишиб олдилар.

Покистон ҳудуди орқали халқаро денгиз портларига чиқувчи “Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар” стратегик темир йўлини қуриш ишларини яқин муддатларда бошлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

– “Аср лойиҳаси” деб аталаётган “Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўли нафақат мамлакатларимиз, балки кенг минтақаларимиз халқлари умумий равнақига ҳисса қўшишига ишонамиз, – деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасида хавфсизлик, ҳарбий-техник соҳаларида, терроризм, экстремизм ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқа.

Маданий-гуманитар соҳа шерикликнинг энг муҳим ва истиқболли йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди.

Икки мамлакат фан, санъат, кино, спорт соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш, ёшларга оид дастурларни амалга ошириш тарафдори.

Ўзбекистонда йил сайин урду тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани таъкидланди. Покистонда ҳам Исломобод замонавий тиллар университети, Панжоб ва Пешовар университетлари каби олий таълим муассасалари негизида ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

– Ташриф давомида салмоқли ҳужжатлар тўпламини, жумладан, Стратегик шерикликни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисида қўшма декларацияни имзоладик. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича бўлажак саъй-ҳаракатларимиз белгилаб олинган. Маънавий илдизлардан куч ва илҳом олаётган алоқаларимиз келгусида ҳам халқларимизнинг орзу-интилишларига ва биз тузаётган катта-катта режаларга мос равишда янги марраларга кўтарилади, – деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислом Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

# Онамнинг орзуси ушалган кун

1-бет

Миллиардлаб пули бўлса-да, бировга ёрдам қилмайдиганлар замонида бир талабанинг контракт пулини тўлаб бериш катта воқеа эди, албатта. Балки битта талаба қизнинг шартнома пули тўлаб берилиши арзирли воқеа эмасдир. Аммо ўша вазиятда мен ва оилам учун бу катта ёрдам, ғойибдан келган бир имконият эди.

Буларни нега эсладим?

Шу йилнинг 1 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда юртбошимизнинг “Таълим тизимининг барча поғоналарида ўқишга интилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаймиз ва уларга шароит яратамиз” деган гаплари мен каби яна миллионлаб қалбларни ларзага солди.

Видеоселекторда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дастури қабул қилиниши ҳам айтилди. Таълим тизимида хотин-қизлар учун яна бир қатор кенг имкониятлар:

– янги ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилади (23 минг нафар қизларга 200 миллиард сўм);

– ҳар йили 50 нафар қизлар нуфузли хорижий олийгоҳларга бакалавр ва 10 нафари магистратурага юборилади;

– ҳар бир вилоятда эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган 150 нафар қизларнинг (жами 2,1 минг нафар) таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўлаб берилади;

– ёш фарзанди бор талаба-қизларга масофавий ўқишга шароит яратилади;

– докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Ўша йиғилишда юртбошимиз таъкидлаганидек, бу имконият ҳали бизнинг тарихимизда умуман бўлмаган.

Бугун неки ёзсам, кўз олдимда доим онамнинг сиймоси тургандек бўлади. Ижодкор ўқитувчи, неча минглаб қалбларга зиё нурини таратган меҳрибон устоз, шеърий китоблари чиққан шоира онамни орзуларини ушалтириш қўлимдан келаяптимикан, дея ўзимга ўзим кўп савол бераман. Ёзганларимни онам ўқиб нима деркан, деган ўй мени ҳеч қачон тарк этган эмас. Умрбод тарк этмаса ҳам керак.

# ЭЛЕКТР – РИВОЖЛАНИШ ЁҚИЛҒИСИ

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Электрнинг ҳақиқий фойдаси ижтимоий кўмак таъминлашида эмас, узоқ муддатли иқтисодий уйғонишнинг рағбатлантиришида ётади”, деган эди Кристофор Флавин. Дарҳақиқат, электр ижод этилганидан кейин дунёнинг объектив кўриниши буткул ўзгарди. Бугун оддий электрон чироқдан тортиб, улкан саноат дастгоҳларигача ушбу кашфиётдан қувват олади. Ўзбекистонда мазкур энергия манбаини ривожлантиришга алоҳида урғу берилмоқда.**



Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида 15 та янги гидроэлектр станция (ГЭС) қурилади. Шунингдек, мавжуд 5 та ГЭС модернизация қилиниб, йилига қўшимча 868 МВт электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади.

Ўзбекистон ўз энергетик ресурслари ҳисобидан эҳтиёжларини тўлиқ таъминловчи мамлакатлар қаторига киради. Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимидаги электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларининг салмоқли ҳиссаси юртимизга тегишлидир. Уни ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда технологик жараённинг ўзига хослиги шундаки, “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари” ҳамда “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖларини ўзида марказлаштирилган бошқарувига эга. Яқин йиллардан бери соҳани ривожлантиришда улкан ҳаракатлар бошланди. Хусусан, атом энергетикасини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини ва стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли бўлган давлат бошқаруви органи – “Ўзатом” агентлиги ташкил этилди.

Эндиликда, 2022-2026 йилларда ўлкамизда янги электр станциялари қурилади. Жумладан, 2022 йилда Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида умумий қуввати 173 МВтга тенг бўлган қўшимча гидроэлектр станциялар яратиш бўйича 7 та, 2023 йилда Тошкент вилоятида 1 та ГЭС модернизацияси якунланади ҳамда Қашқадарё ва Андижон вилоятларида қуввати 29 МВт бўлган 2 та, 2024 йилда Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 1 та ГЭС модернизацияси якунланади ҳамда умумий қуввати 122 МВт бўлган 4 та, 2025-2026 йилларда Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида қуввати 544 МВт бўлган 4 та ГЭСлар ишга туширилади. Ушбу амалга оширилган ишлар ҳисобига, 2026 йилга бориб юртимизда гидроэлектр станцияларининг умумий қуввати 2 920 МВтга етказилади.

Электр – ривожланиш ёқилғиси. Бу факторни ижтимоий ҳаётимиздаги фавқулодда юзага келган энергетик узилишлар пайтида яққол кўряпмиз. Мамлакат энергетикасининг узлуксизлиги, барқарорлигининг таъминланганлиги бевосита хорижий капитал ва инвестицияларнинг оқимига ҳам таъсир этади. Ҳар бир инвестор ўз ишини, аввало, электр манбасининг ҳолатидан келиб чиқиб, тармоқнинг даражасига кўра белгилайди. Ўзбекистон энергетика тизимидаги бундай янгиланишлар ўз ўрнида яқин йилларда мамлакатимизнинг инвестицион шароитини янада яхшилайди.

# Инвесторларнинг шашти баланд

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunuodkori” мухбири.

**Бухоро шаҳридаги собиқ “Бухоро Қоракўл” заводи бундан бир неча йиллар аввал қурилган бўлиб, айни пайтда корхонадаги ишлаб чиқариш замон талабларига мос келмай қолганди. Белгиланган вазифалар аро йўлда қолгани сабабли уни “ноль” қийматда инвестиция киритиш шарти билан 7 та маҳаллий инвесторларга бўлиб берилган эди.**

Бунга кўп вақт бўлгани йўқ, бироқ бу ерда ишбилармонлик қарор топтирилгани боис, дастлабки натижалар чакки эмас. Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўрталарига қадар 1 000 нафар киши учун иш ўрни яратилади. Айни кунларда мақсадга эришиш учун 2 та инвестор лойиҳаларини амалга оширишга киришган. Яна 5 та инвестор ҳам ўз фаолиятини яқин орада бошлаш остонасида.

Инвесторлик йўли орқали фаолият бошлаган “Medium Inter Prof” МЧЖ жамоаси улардан бири. Қурилиш ва аҳолига мўлжалланган декоратив эшиклар, турли хилдаги сеткалар ва профил маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхона жамоасининг асосий мақсади. Корхонада 50 киши доимий иш билан таъминланиб, йиллик 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Тадбиркор Раҳимжон Рауповнинг айтишича, 100 хилдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиб, уларнинг барчаси асосан қурилишларда ишлатилади.

Цехлардаги барча дастгоҳлар Хитойдан келтирилган, улар ёрдамида бир кеча-кундузда 300 миллион сўмлик темирчилик маҳсулотлари – темир панжара ва дарвозалар, дераза ромлари, бино ва хоналар учун темир безаклар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, бу ердаги “Ewer White Group” МЧЖ корхонаси ҳам фаолиятини шакллантириб олганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Корхонада тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича тадбирлар амалга ошириляпти. Тайёрланадиган маҳсулотлар фақат хорижга экспорт қилиниши режалаштирилган ва шунга муносиб чоралар кўриляпти.

# “Янги замон”да замонавий боғча иш бошлади

**Зариф КОМИЛОВ,**
ЎзА мухбири.

**Президентимизнинг 2021 йил 21-22 январь кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида берган топшириқларига кўра Қоракўл тумани Янги замон маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 180 ўринли “Янги авлод” мактабгача таълим ташкилоти биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.**

“Республика инкассация хизмати” давлат унитар корхонаси ҳомийлигида бош пудратчи “Нефтгаз карат строй” МЧЖ томонидан барпо этилган боғча қурилишига 6 миллиард 507 миллион сўм, жиҳозлашга 1 миллиард 687 миллион сўм маблағ сарфланди.

Мактабгача таълим ташкилотида 6 та гуруҳ учун мўлжалланган кенг ва ёруғ хоналар, замонавий спорт ва мусиқа заллари, шинам ётоқхона, 2 та ошхона, ёзги айвончалар барпо этилган. Ҳар бир хонага кузатув камералари ўрнатилган ҳамда зарур мебеллар билан жиҳозланган. Ташкилотда болажонлар учун барча замонавий шароитлар яратилган. Машғулотлар моҳир педагог-тарбиячилар томонидан олиб борилади.

Тантанали очилиш маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, туман ҳокимлиги, секторлар, марказий банк вилоят бош бошқармаси, вилоят мактабгача таълим бошқармаси мутасаддилари, маҳалла фаоллари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўз олганлар маҳалла аҳлини кўпдан кутилган замонавий муассаса билан қутлашди. Бу мактабгача таълим ташкилоти туфайли ўттиздан ортиқ ишчи-мутахассис бандлиги таъминланаётгани таъкидланди. Ҳудудда баркамол авлод саводхонлиги ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди. Очилиш маросимидан сўнг меҳмонлар муассасада яратилган шароитлар билан таништирилди.

Қоракўл туманида 3-7 ёшли болалар сони 13 минг 340 нафарни ташкил этади. Улар учун 32 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 9 та давлат хусусий шериклигидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилоти, 1 та хусусий нодавлат, қолаверса, 98 та оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда. 8 минг 499 нафар болажонлар мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинган бўлиб, қамров даражаси 63,7 фоизга етган.

## БИР ТУМАН ЯНГИЛИКЛАРИ

# Ёшлар учун объектлар ишга тушди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалиётга татбиқ этилаётган тамойиллар нафақат ёшларни, балки аҳолининг барча қатламини қамраб олаётгани билан аҳамиятлидир.**

Шу мақсадда, Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида янги кутубхона фойдаланишга топширилди. Ушбу кутубхонада ҳозирда 4 минг 500 дан зиёд бадиий ва илмий адабиётлар жой олган бўлиб, эндиликда ёшлар учун зиё маскани бўлиб хизмат қилади.

**Туманда “Mushtariybonu Ziyo Nur” касб-ҳунарга ўргатувчи ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди.**

Мазкур ўқув маркази очилиш маросимида сектор раҳбарлари, нуронийлар, ёшлар вакиллари иштирок этишди. Эндиликда ушбу марказда тикувчилик, энагалик, аёллар ва эркаклар сартароши, пайванд устаси, ошпаз, рус ва инглиз тили, тадбиркорлик йўналишида таълим олиш имконияти мавжуд бўлиб, ушбу масканда билимга эга бўлган ёшлар, иш берувчи ҳамкор субъектларда келгуси фаолиятини олиб бориш имкониятига ҳам эга бўлади.

# 11 685 ТА ХОНАДОН ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИГА УЛАНАДИ

**Зиё СИРОЖ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мустақилликнинг дастлабки 30 йили мамлакатимиз аҳолиси учун ўзига хос синов даври бўлди, десак муболаға бўлмайди. Ютуқларимиз билан бир қаторда камчиликлардан ҳам кўз юмолмаймиз. Қайсидир натижаларни топмоқ учун айрим нарсаларни йўқотишимизга тўғри келди. Буни турли соҳаларда кўриш мумкин. Масалан, вилоятлардаги мавжуд кўп қаватли уйларда иссиқлик таъминоти буткул издан чиқди. Аҳоли ўз хонадонини амалдаги тартибларга зид равишда иситишга мажбур бўлди.**



Шукрким, кейинги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Жумладан, уйлар ва бошқа ижтимоий объектларда иссиқлик таъминотини тиклаш ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш ишларига киришилди. Бу борада Жаҳон банкининг кредит маблағлари ҳисобидан 2019–2024 йилларда Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларининг марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва самарадорлигини ошириш лойиҳасини ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда Андижон шаҳрида бу борадаги илк вазифаларга киришилди.

– Ушбу лойиҳалар доирасида Андижон шаҳридаги РК-2 қозонхонасини модернизация ва таъмирлаш ишлари ҳам кўзда тутилган, – деди вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Жамшидбек Бозорбоев. – Бунинг натижасида 3 дона қозон ҳамда 22,7 километр узунликдаги иссиқлик узатиш тармоғи алмаштирилади. Бу эса 271 та кўп хонадонли уйлар ҳамда 30 та ижтимоий соҳа объектларига 373 та индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатиш туфайли аҳоли учун қулай шароит яратиш имконини беради.

“Adolat Qurilish Servis” МЧЖ ўз тажрибаси ва имкониятидан унумли фойдаланган ҳолда 22,7 километр масофага тармоқ тортиш ишларини бажармоқда. Лойиҳа фойдаланишга топширилгач, йил якунига қадар вилоят марказидаги 1-, 2-, 3-, 4-, 5-кичик даҳаларда ҳамда Машраб кўчалари ташқи иссиқлик узатиш тармоқларига эга бўлади. “BELL-FAR PARTNERS” МЧЖ томонидан эса иссиқлик энергиясини ҳисобга олувчи ускуналар билан таъминланган индивидуал иссиқлик пунктларини ўрнатиш ишларига доир 6,14 млн АҚШ долларилик шартнома имзоланди. Айни пайтда жамият томонидан кўп қаватли уйларнинг ертўласига ана шундай пунктларни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилган. Шу йилнинг ўзида 300 та пункт ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, бунинг якунида 210 та кўп қаватли уйлар ва 25 та ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик таъминотига улаш имкони яратилади.

Вилоятда кўп қаватли уйларни иссиқ сув ва иссиқлик таъминотига улаш лойиҳасида China IPPR International Engineering Co.,Ltd. компанияси, Zavod NVA & Engineering Building МЧЖлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар томонидан жаҳон тажрибасига асосланган замонавий лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, бу саъй-ҳаракатлар туфайли 2024 йил якунига қадар Андижон шаҳридаги 271 та кўп қаватли уйлардаги 11 минг 685 та хонадон ҳамда 30 та ижтимоий муассаса босқичма-босқич иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув билан таъминланади.

# Электр станциялар тараққий этяпти

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва шу орқали аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида саноат корхоналари ташкил этилаётгани, табиийки электр энергиясига бўлган талабни оширмоқда.**

2017-2021 йилларда республикани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида бу борада катта ишлар қилинаётгани шундан. Жумладан, гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, сув энергетика ресурсларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш, электр энергия ишлаб чиқариш таркибида қайта тикланадиган гидроэнергетика ресурслари улушини изчил кўпайтиришга қаратилган режалар рўёбга чиқарилмоқда.

Самарқанд вилоятида қайта тикланадиган энергия манбааларидан фойдаланган ҳолда замонавий технологияларга асосланган экологик тоза ишлаб чиқариш қувватлари яратишга жиддий киришилган. Айни пайтда биргина Дарғом канали йўналишида учта ГЭС жадаллик билан бунёд этилмоқда. ”Самарқанд ГЭСлари каскади” унитар корхонасига қарашли электр станциялар сони яқин орада 8 тага етказилиб, халқ хўжалиги ва аҳолини арзон соф электр энергия билан таъминлашда янги давр бошланишига шубҳа йўқ.

– Қад ростлаётган станциялар қатор афзалликлари билан ҳозиргилардан тубдан фарқ қилади, – деди каскад директори Бахтиёр Пирмуҳаммедов. – Замонавий стандартлар асосида барпо этилаётган ГЭСлар электр энергияси манбаи бўлиш билан бирга, вилоят иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, кўплаб янги иш ўринларини ташкил этишга замин яратади. Масалан, Дарғом каналининг Тайлоқ туманидаги Галаботир қишлоғи ҳудудида кичик электр станция қурилиши жадал суръатда боряпти. Россиянинг компанияси ходимлари шартномага мувофиқ барча юмушларни сифатли бажаришяпти. Шу атрофдаги яна иккита ГЭСни эса хитойлик ҳамкасблар ишга туширишга астойдил бел боғлашган.

Самарқандда янги электрстанциялари қурилишига алоҳида аҳамият бераётгани қувончлидир. Дарҳақиқат, “Ўзбекгидроэнерго” жамияти тасдиқлаган жадвал бўйича куз-қиш мавсумида деярли барча ГЭСларда жорий ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилганини таъкидлаш ўринлидир. Биргина “Хишрав” ГЭСда қисқа фурсатда 22 миллион АҚШ долларига тенг ўзгаришлар қилинишига эришилди. Қатор эскириб қолган жиҳозлар капитал таъмирланди, айримлари янгисига алмаштирилди, моддий-техник базаси бойитилди. Дарғом каналида фаолият кўрсатаётган барча ГЭСларни шу ердан бошқариш пункти ишга туширилди. Бу ерда меҳнат қилаётган 120 нафарга яқин ишчи-хизматчилар учун ҳам тўлиқ қулайликлар ҳозирланган.

# ИСЛОҲ ҚИЛИНГАН КОРХОНАЛАРДА ИШЛАР ҚИЗҒИН

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кейинги йилларда ўз муддатини ўтаб бўлган ва фаолияти тўхтаб қолган давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш орқали уларни ишбилармон ҳамда тадбиркорлар ихтиёрига бериб, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада айниқса, Президентимизнинг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни жадал ҳаётга татбиқ этишга имкон беряпти.**

Жиззах вилоятида ҳам мазкур йўналишда сўнгги йилларда ибратга лойиқ тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган 2021 йилда хусусийлаштириш бўйича белгиланган давлат активларини савдога чиқариш, сотишни таъминлаш юзасидан режалаштирилган ташкилий ишлар самарасида туман ва шаҳарлар кесимида 33 та давлат активлари 77 миллиард 600 миллион сўмга сотилиши таъминланди. Бундан ташқари, 40 та давлат мулки объектларига инвесторлар томонидан 246 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилиб, 1 минг 370 та янги иш ўрни яратилди. Шу йил 20 январь куни Президентимиз раислигида Давлат объектларини хусусийлаштириш борасида 2022 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселекторда белгилаб берилган топшириқлардан келиб чиқиб, вилоятда амалга оширилиши лозим бўлган ишларга жиддий киришилди.

Унга кўра, вилоят ҳудудлари бўйича шу йилнинг ўзида 159 та давлат активларини савдога чиқариш ҳамда улардан йил охирига қадар 172 миллиард 400 миллион сўмлик тушум тушириш белгиланган. Мазкур ишларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида ҳудудий бошқарма ходимлари томонидан шу кунларда олиб борилаётган ташкилий тадбирлар туфайли ўтган икки ой оралиғида 4 та давлат активлари 10 миллиард 300 миллион сўмга “E-auksion” электрон савдолари орқали сотилди. Айни пайтда яна 30 та давлат активлари 60 миллиард 600 миллион сўм қийматда сотиб олиш шарти билан аукцион савдоларида турибди. Шунингдек, айни чоғда 30 миллиард 900 миллион сўм ҳамда 23 миллион 500 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш шарти билан сотилган 58 та давлат мулки объектлари бўйича мониторинг ишлари якунланиш арафасида. Ушбу объектлар инвесторлар томонидан тўлиқ ишга туширилса, қўшимча 707 та янги иш ўрни яратилади.

Алоҳида эътироф этиш керакки, айни дамда вилоятдаги туман ва шаҳарлар кесимида 1 минг 160 та фаолият кўрсатмаётган объектлар мавжуд бўлиб, уларнинг 62 таси давлат, 84 таси давлат улуши бор корхоналарга, 1 минг 8 таси хусусий мулкдорларга тегишли, яна 5 таси эса эгаси аниқланмаган объектлардир. Булар ҳисобга олиниб, тегишли тартибда чоралар кўрилаётгани ўз самарасини бермоқда. Чунончи, хусусий объект мулкдорлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар туфайли 489 та истиқболли инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилиб, улар негизида 974 та янги иш ўринлари яратиш белгиланди.

Бугунги кунда шу йўналишга қаратилган ҳужжатлар ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани натижасида вилоятда янги, замон талабларига мос корхоналар ишга туширилиб, бу ерларда тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар иқтисодиётимизни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шундай гигант корхоналардан бири, Жиззах шаҳридаги “Jizzax plastmassa” акциядорлик жамиятидир. У Жиззах эркин иқтисодий зонасида жойлашган бўлиб, айни пайтда мамлакатимиздаги полиэтилен қувур ва плёнкалар ишлаб чиқаришга мослашган йирик корхоналар сирасига киради.

Маълумотларга кўра, унинг қуввати йилига 14 минг 900 тоннадан иборат, асосий ишлаб чиқариш маҳсулотларининг ташқи диаметри 20 миллиметрдан 1 200 миллиметргача. Полиэтилен қувурлар ва бутловчи қисмларнинг ўлчамлари эса 220 миллиметрдан 3000 миллиметргача, шунингдек, плёнкалар ва ҳар хил турдаги халқ истеъмоли маҳсулотлари ҳам шу жойда тайёрланади. Жумладан, қишлоқ хўжалигида сув таъминотини тежайдиган полиэтилен эгилувчан қувурлар ва эгатга тўшаб суғоришга мослаштирилган плёнкалар ҳам ишлаб чиқариляпти.

Ўз фаолиятини бошлаган “JIZZAX KENTEKS” МЧЖ жамоаси ҳам қарор ва фармонлар фақат инсонларга наф келтиришини ўз ҳаётлари мисолида дилдан ҳис қилишмоқда. Мазкур жамият собиқ “Пахтакор тола базаси” шуъба корхонаси ўрнида жойлашган. Маълумот ўрнида, собиқ шуъба корхона муддатини аллақачонлар ўтаб бўлган технологиялар билан иш юритиб келгани сабабли ўзини ўзи иқтисодий таъминламагани учун барча ишлар тўхтаб қолганди. Натижада шартномага асосан мазкур объект 12 миллиард сўм миқдорида хусусийлаштирилди. Кейинги босқичда 214 миллиард 100 миллион сўмлик инвестиция киритиш ҳисобига 880 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Ҳозирда бу корхонада меҳнат қилаётганларнинг асосий қисми дафтарлар рўйхатида турган хотин-қизлардан иборат экани эътиборга лойиқдир.


## “Respublika mulk markazi” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “Тошкент Савдо маркази” МЧЖнинг 2022 йил 25 февралдаги 177/03-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чорсу майдони, 3-“А” уй манзилида сақланаётган қуйидаги 60 номдаги асосий воситалари қўйилмоқда:**

| № | Асосий воситалар | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | Радиотелефон “Панасоник KX-TG1611” | 126 800,00 |
| 2. | Обогреватель “Nova NH 1254-13F” | 180 000,00 |
| 3. | Шкаф с ячейками | 2 800 000,00 |
| 4. | Стол письменный | 1 500 000,00 |
| 5. | Телевизор “MOOH 42” | 1 235 000,00 |
| 6. | Факс | 527 450,00 |
| 7. | Кресло кожаное | 195 000,00 |
| 8. | Сотовый телефон “Artel X4” | 122 245,00 |
| 9. | Вентилятор “ВЦ 14-46№2” 1,5к.Вт 3000 об/мин | 1 035 000,00 |
| 10. | Весы марки ACS | 117 984,82 |
| 11. | Стол | 430 500,00 |
| 12. | Кресло б/у “Торино” 1 | 150 000,00 |
| 13. | Радиотелефон | 111 300,00 |
| 14. | Телефонный аппарат “Panasonic KX-TS 2365 Ru” | 259 600,00 |
| 15. | Книжный шкаф ШК 214,03,00 | 490 450,00 |
| 16. | DVR-H264 | 2 559 862,80 |
| 17. | Кондиционер “VESTEL” | 915 000,00 |
| 18. | Стол письменный | 225 000,00 |
| 19. | Компрессор (2,2-20) | 6 691 106,57 |
| 20. | Компрессор 12000 BTU | 480 000,00 |
| 21. | Гриль “Pimak” | 6 972 963,90 |
| 22. | Набор мягкой мебели | 3 185 000,00 |
| 23. | Кондиционер | 2 440 000,00 |
| 24. | Стол письменный | 750 000,00 |
| 25. | Стеллаж настенный | 424 500,00 |
| 26. | МФУ Canon I-SENSYS MF4410(USB cable) | 564 379,20 |
| 27. | Диван (уголок) | 1 150 000,00 |
| 28. | Компьютер “Асер” | 2 907 450,00 |
| 29. | Кондиционер “MIDEA MSMA-12 HRN1” | 2 064 000,00 |
| 30. | Телефонный аппарат “Panasonic KX-TS 2350 CA” | 159 500,00 |
| 31. | Компьютер LG | 4 434 408,00 |
| 32. | Обогреватель класс Q-3000 | 456 207,95 |
| 33. | Кресло “Торино” | 300 000,00 |
| 34. | Чайник “TWK 6001” | 207 000,00 |
| 35. | Телефон аппарат “Panasonic” | 143 550,00 |
| 36. | Обогреватель | 391 868,54 |
| 37. | Стол бухгалтерский | 3 780 000,00 |
| 38. | Кондиционер “Vestel 12” | 915 000,00 |
| 39. | Газ. оборуд Грилль мод Pimak | 9 961 377,00 |
| 40. | Тумба для витрины | 424 500,00 |
| 41. | Монитор “LCD 18/5 Wide” | 2 022 300,00 |
| 42. | Стол | 1 080 000,00 |
| 43. | Стол | 757 750,00 |
| 44. | Монитор “LCD 18/5 Wide” | 674 100,00 |
| 45. | Прожектор ПЗС35. | 173 071,71 |
| 46. | Системный блок MBG41/CPU E5500/ DDR III 2048/HDD 1000 GB/Case/KB/ Mose/ | 339 500,00 |
| 47. | Шкаф для витрины | 488 640,00 |
| 48. | Холодильник камера | 4 830 000,00 |
| 49. | Тележка | 315 000,00 |
| 50. | Телефонный аппарат “Panasonic KX-TS 2361 RUW” | 254 400,00 |
| 51. | Стол письменный | 225 000,00 |
| 52. | Тумба | 339 600,00 |
| 53. | Стол журнальный CO 215,01,00 | 1 147 500,00 |
| 54. | Стол журнальный | 550 000,00 |
| 55. | Сокоохлодитель 2-х модель “Ayran-Serbet” | 2 552 637,08 |
| 56. | Тумба 2740*450*700 | 466 950,00 |
| 57. | Тумба 600*280*600 | 466 950,00 |
| 58. | Витрина для ювелирных изделий п/мет | 11 847 076,80 |
| 59. | Витрина для ювелирных изделий п/мет | 21 988 800,00 |
| 60. | Витрина для ювелирных изделий п/мет | 8 551 200,00 |

Аукцион савдолар **2022 йил 4 апрель** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 1 апрель куни соат 16.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги асосий воситалар **2022 йил 4 апрель** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар ҳар ҳафтанинг жума кунлари, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш куни олдин соат 16.00 гача қабул қилинади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганини ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.



## “Respublika mulk markazi” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ электрон онлайн аукцион савдога таклиф этади!

**Такрорий аукцион савдога “Toshkent shahar hokimligi Munitsipal aktivlarni boshqarish markazi” Davlat unitar korxonasининг 2022 йил 2 мартдаги 02-05/876-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт ва асосий воситалари қўйилмоқда:**

| Т/р | Давлат рақами | Номи | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1. | 01 HA 163 | Экскаватор гидравлический пневмоколесный ZYL160 №0904004 | 221 874 182,64 |
| 2. | 01 HA 175 | Автогрейдер средний GR180 | 135 731 250,00 |
| 3. | 01 HA 187 | Гладковальцовый легкий виброкат (1,5-2,5 т) Hamm HD 10 | 5 287 653,38 |
| 4. | 01 HA 186 | Бульдозер Т-170 | 43 721 645,67 |
| 5. | 3761 | Прицеп тележка ж/д | 7 240 096,16 |
| 6. | 01 HA 165 | Фреза дор. холод. 1 м W100 | 410 878 116,00 |
| 7. | 01 HA 156 | Гладковальцовый тяж. вибро-каток (11-14т) Hamm HD 110 | 231 145 990,87 |
| 8. | 01 236 TDA | ДЭУ SC-77C | 63 325 190,25 |
| 9. | 01 470 RHA | ГАЗ 31029 | 9 066 251,00 |
| 10. | 01 259 JCA | КАМАЗ 65201-011 | 126 928 405,32 |
| 11. | 01 296 JCA | КАМАЗ 6522-027 | 121 711 192,28 |
| 12. | 01 923 JCA | ДЭУ-КС44Т | 173 933 189,22 |
| 13. | 01 572 JCA | КАМАЗ 65201-011 | 126 928 405,32 |
| 14. | 01 264 JCA | КАМАЗ 65201-011 | 126 928 405,32 |
| 15. | | 2-х стоечный подъемник | 2 700 375,00 |
| 16. | | Станок токарный 1К62 | 32 896 202,73 |
| 17. | | Станок фрезерный | 3 844 873,92 |
| 18. | | Пресс-ножницы (комбинированные) | 20 731 461,10 |
| 19. | | Станок обдирочно-шлифовальный | 5 384 795,09 |
| 20. | | Станок обдирочно-шлифовальный | 5 384 795,09 |
| 21. | | Сварочный трансформатор ТДМ-500 | 2 054 390,58 |
| 22. | | Станок вертикально-сверлильный 2А135 | 4 490 909,09 |
| 23. | | Дробилка (комплекс новая) | 6 337 391 697,61 |
| 24. | | Асфальтоместитель (комплекс) | 821 360 744,28 |
| 25. | 01 857 ZHA | Махсус ахлат ташувчи | 57 439 271,07 |
| 26. | Golf Cara | | 42 998 900,00 |

Аукцион савдолар **2022 йил 18 март** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 16 март куни соат 16.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги асосий воситалар **2022 йил 18 март** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2022 йил 4 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш куни олдин соат 16.00 гача қабул қилинади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# ЯНГИ ҒОЯЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР, МАТЕРИАЛЛАР ВА ҲАМКОРЛАР ПЛАТФОРМАСИ

1-бет







Қуйида кўргазма иштирокчиларининг фикрлари билан танишишингиз мумкин.

**Насрулло БАБАЕВ,**
Қурилиш вазири ўринбосари:

– Юртимиз мезбонлик қилган ушбу кўргазмада кўп давлатлардан келган қурилиш соҳаси вакиллари билан учрашиб, фикр алмашиб, янги ҳамкорликлар ўрнатдик. Пандемиядан кейин бундай катта тадбирнинг ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Хорижлик ишбилармонлар туфайли юртимизга янги технологиялар, замонавий материаллар ва яхши тажрибалар ҳам кириб келди. Ушбу кўргазма юртимиз иқтисодиёти, ислоҳотларнинг амалга оширилиши, қурилиш саноатининг янада ривожланиши учун яна бир имкониятдир. Бу каби кўргазмаларнинг кўплаб ўтказилиши натижасида юртимизда келгусида қурилиш сифати ва кўлами янада ортиши шубҳасиз.

**Усмонжон АБДУСАМАТОВ,**
“May Buld City” қурилиш корхонаси раҳбари:

– Корхонамиз асосан Тошкент шаҳридаги турар жой мажмуаларини қуриш билан шуғулланади. Ҳозирги кунда “Murad buildings”, “Golden House”, “Discover invest” билан ҳамкорликда ишлаб, уларнинг лойиҳаларини амалга оширяпмиз. Кўргазмага келишдан мақсад, янги шартномалар тузиб, замонавий қурилиш материаллари билан танишишдир. Энг аввало, нарх-наво ва маҳсулотлар сифатини ўрганиб, қайси корхоналар билан ҳамкорлик қилишни режалаштириб олдик. Бизни кўпроқ пардозлаш материалларининг янги турлари қизиқтиргани боис, улар билан яқиндан танишдик. Айниқса, Туркия корхоналарида ишлаб чиқарилаётган пардозбоп материаллар эътиборимизни тортди. Қолаверса, ўзимизнинг маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган материаллар сифати ҳам яхши, нархи ҳам ҳамёнбоп. Айни пайтда 300 дан ортиқ ишчи-ходимлар фаолият юритадиган корхонамиз томонидан келгусида янада сифати иншоотлар бунёд этилади, деган умиддамиз.

**Саидасрор САИДАҲМАДОВ,**
“Durable beton” корхонаси менежери:

– “Durable beton” корхонаси ўз фаолиятини 2018 йилда бошлаган бўлиб, республикадаги энг катта бетон ишлаб чиқарувчи завод ҳисобланади. Тошкент шаҳрида фаолият юритадиган бешта заводимизда ҳозирги кунда 100 маркадан 800 маркагача бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Бетонимиз асосан биноларнинг монолит ва фундаменти учун қўлланилиб, ҳозирги кунда катта қурилиш объектларига конвертация қилинади. “Tashkent City” ва “Magic City”даги кўплаб бинолар қурилишига бизнинг корхонамиз маҳсулот етказиб беради. Заводларимиз Туркия билан ҳамкорликда, уларнинг технологияси асосида ишга туширилган бўлиб, бугунги кунда мустақил равишда фаолият олиб боради. Махсус дастурлар орқали маҳсулот етказувчи машиналар ҳаракати доимий равишда кузатиб турилади. Келгусида Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам заводларимизни қуриш ниятимиз бор. Шу боис, кўргазмада янги ҳамкорлар ва тажрибалар орттиришга ҳаракат қилдик.

**Давронбек ШОНАСИРОВ,**
“Юта” компаниясининг ҳудудий менежери:

– Италиянинг ушбу йирик компанияси узоқ йиллардан буён ойна ва тошга ишлов берувчи станоклар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Юртимизда фаолият кўрсатадиган “Akfa”, “Imzo” ва “GlassGo” компаниялари ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришда айнан мана шу завод ускуналаридан фойдаланишмоқда. Масалан, “Imzo” компаниясини ўзида айни пайтда ушбу корхонанинг 12 та станоги ишлаб турибди. Бундай техника воситалари Ўзбекистонда асосан Италия ва Хитойдан келтирилади. Иккаласи ҳам бир хил мақсадда қўлланилса ҳам, сифат ва ишлашига кўра фарқ қилади. Қуруқ ойнага қўл тегса, кесилиб кетиши мумкин. Ушбу компания станоклари ёрдамида эса тош ва ойналарни турли шаклларда кесиб, хавфсиз ҳолатга келтириш мумкин. Тошни айнан скульптура қилиб, ҳайкал шаклига келтириш ёки мармарни кесишда ҳам компания технологиялари ёрдамга келади.

**Зафар САТТОРОВ,**
ТАҚИ Ўқув услубий бошқарма бошлиғи, т.ф.н., профессор:

– Ушбу кўргазмада Германия, Россия, Туркия, Ҳиндистон, Эрон давлатларининг қурилиш материаллари ва технологияларига ихтисослашган компаниялари томонидан “Қурилиш жиҳозлари ва технологиялари”, “Ресурсларни майдаловчи ва сараловчи жиҳозлар”, “Йўлларни таъмирловчи машиналар”, “Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун технологиялар”, “Юк ортувчи ва туширувчи машиналар”, “Бетон заводлари” каби замонавий технологиялар ва экологик тоза қурилиш материаллари намойиши бизда катта қизиқиш уйғотди. Тошкент архитектура қурилиш институти талабалари ушбу кўргазмадаги энергия тежамкор ва ресурс тежамкор замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи технологиялари билан яқиндан танишдилар. Бу кўргазма уларни нафақат эгаллаётган мутахассисликлари бўйича билимларини оширишга, балки институтни тугатгандан сўнг, қурилиш материаллари саноатида фаолият юритишлари учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, талабалар эгаллаётган ўз мутахассисликларига муносабатлари ва тасаввурлари ўзгарганини ҳам билдирдилар.

**Жамшид ШЕРМЕТОВ,**
“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси матбуот котиби:

– Бундай кўргазмаларни ўтказиш мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларини экспорт кўламини янада кенгайтириш ва янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, янги технологияларни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга. Марказнинг 6 800 квадрат метр майдонида ўз маҳсулотларини намойиш этган корхоналар орасида замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари, меъморлик ва интерьер соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар билан 33 та маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона қатнашди. Келгусида уларнинг фаолияти янада кенгайишидан умид қиламиз.

**Даршан ШЕРАШИЯ,**
Кўргазма иштирокчиси, Ҳиндистон:

– Бу кўргазмада давлатимиз илк маротаба иштирок этаётган бўлса ҳам, бизда катта таассурот қолдирди. Ранг-баранг стендлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари бизларни жуда қизиқтирди. Юртингиз ишлаб чиқарувчилари бизни яхши қабул қилишди. Ўзбекистон шиддат билан ўзгаряпти, шу жумладан шаҳарлар қиёфаси ҳам. Бу ўзи-ўзидан қурилиш материалларига бўлган талабни ҳам оширади. Умид қиламанки, бу бозорда биз келтирган маҳсулотларга ҳам ўрин топилади. Кўргазмада биз керамик безаш маҳсулотлари билан қатнашдик.

**Ҳусейн ТЕПЕР,**
“КОÇ” қурилиш компанияси бизнесни ривожлантириш бўйича бошқарувчиси, эксперт:

– 1969 йилдан бери фаолият юритиб келётган “КОÇ” қурилиш фирмамиз шу кунга қадар электр тармоқлари, механик лойиҳалар, қайта тикланувчи энергия ва иншоот соҳаларида иш олиб бормоқда. Қарийб ярим асрлик муддат давомида фирмамиз сайёранинг уч қитъаси ва 14 давлатидаги қурилиш-реконструкция ишларида фаол иштирок этмоқда. Бу ўринда Ўзбекистондаги фаолиятимизга алоҳида урғу бермоқчиман. Ўзбек ва турк маданиятлари тарихан ўзаро боғланган, ўхшаш анъаналари, тили билан чуқур қардошлик боғларига эга. Ота юртимизда фаолият олиб бораётганимиздан алоҳида ғурур туймоқдамиз. Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида 15 та қурилиш пунктида 3 500 кишилик йирик жамоамизга эгамиз.

Ўзбекистондаги ишларимиздан энг яхшиларидан бири бўлган “Piramit Tower” кўп қаватли биноси ўзининг муҳташам кўриниши билан Тошкентнинг ташқи ландшафтини ижобий таъсирлантиради. Савдо-сотиқ ва бизнес маркази ҳисобланадиган умумий 160 минг квадрат метрдан иборат мазкур объектнинг қурилиши 2021-2024 йилларга мўлжалланган. Бу бинодаги мавжуд турар жой ва офислар тўлиқ таъмирланган ҳолатда харидорга топширилади.

Албатта, Ўзбекистонда бундай йирик қурилиш кўргазмаларининг ташкил этилиши ўзининг ижобий натижасини бермасдан қолмайди. Кундан-кунга ривожланиб бораётган ўзбек қурилиш майдони кўплаб хорижий инвесторларда қизиқиш уйғотаётгани бор гап. Аслида бу кўргазма амалда улар юртингиздаги қурилиш соҳаси ҳолати, қурилиш материаллари ва саноатини ўрганишига сабаб бўлади.

**Абдуқаҳҳор ҚОСИМОВ,**
“Технопарк” кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси ходими:

– Бугунги кунда, “Технопарк” масъулияти чекланган жамияти ҳудудида 12 та завод ишга туширилган. Жумладан, 2 минг дона лифт ва 500 та эскалатор ишлаб чиқариш қувватига эга “Osten”, “Mitsubishi” брендларига тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур қурилиш кўргазмасида биз ўз материалларимиз билан иштирок этяпмиз. Айтиш жоизки, қўшни давлатлардан келган қурилиш соҳаси вакиллари билан ўзаро келишувларни амалга оширдик. Шунингдек, корхонамиз сервис ва диспетчерлик хизматларини кўрсатади. Туркиялик инвесторлар иштирокида эшик ва дераза ромлари учун фурнитура ва аксессуарлар ишлаб чиқариш тармоғига эгамиз. 2021 йил апрель ойида лойиҳанинг ишга туширилиши натижасида 450 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Корхона йиллик 6 миллион дона эшик ва дераза ромлари чиқариш қувватига эга. Лойиҳа доирасида испанил, цилиндрли ва қатлама механизмлар, эшик қулфлари, ядросиз қулфлар каби 4 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 2021 йилнинг апрель ойида ишга туширилган металл конструкция ва сендвич панеллар ишлаб чиқариш тармоғининг ташкил этилиши натижасида 350 та янги иш ўрни яратилди. Тармоқнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 16 минг тонна темир конструкциялар ва 1 миллион тонна квадрат метр сендвич панелларини ташкил этади.

**Нежати ГУНЁР,**
“NERU” компанияси директори:

– Бизнинг компания қурилиш-бетонлаш ишларида фойдаланиладиган темир ва ёғочдан тўшама қолиплар, том ёпувчи системалар, пўлат иншоот тизимлари, туннел, сирғалувчи опалубка-қолиплар ишлаб чиқаради. 1985 йилдан бери бу соҳада ўзига хос тажрибага эга бўлдик. Компаниямиз лойиҳадаги ўзгаришлар ҳисобига ойлик 10 минг метр квадрат туйнук қолиплари, 20 минг квадрат метр тўшама қолиплар, 5 минг метр квадрат парда ва колония қолиплар, 10 минг метр квадрат том ёпиш системалари ва қарийб 500 тонна металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Буларнинг ютуқли тарафи шундаки, тезлик, молиявий ҳолат, сифат, созлама ишлари ва моделларнинг самарадорлигига катта эътибор қаратилган. Биламизки, дунёда туннеллар учун ишлаб чиқариладиган қолипларни тайёрловчи саноқли корхоналар мавжуд. Бизнинг “Neru” ширкати бу борада кўплаб ютуқларга эришган. Ўзбекистонда ҳам корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилган қолиплар ёрдамида иншо этилган бинолар мавжуд. Ҳозирда 40 дан зиёд ўлкага экспортни амалга оширамиз. Бизнинг материаллар асосан стандарт ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларнинг суяк қисми металлдан тайёрланиб, ишчиларнинг ҳаракатланиши учун ёғочдан махсус йўлакчалар тикланади. Қолипларимиз Туркияда ҳам кўп қўлланилади. У ерда фавқулодда ҳолатлар тез-тез учраб туради. Жумладан, доимий катта-кичик зилзилаларнинг кузатилиши сабаб, материалларни сифатли ва мустаҳкам чиқишига аҳамият қаратиб келамиз. Фабрикамиз 10 минг квадрат метр ёпиқ ва 12 минг квадрат метр очиқ саноат майдонига эга. Бу ерда 100 га яқин ишчи меҳнат қилиб келмоқда. Беш йилдан бери Ўзбекистонда иш фаолиятини олиб борамиз. Ўйлаймизки, мамлакатингизда бундай иншоот кўргазмаларининг ташкил этилиши, халқаро тажриба алмашишда қўл келади.

**Мустафо ГАНЖ,**
“ÖZFATİHLER” фирмасининг халқаро савдо мудири:

– Бизнинг фабрика электр энергияси ёрдамида автоматик ҳаракатланадиган, механик ва портал кранлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу кранлар саноат биноларининг ичидан тортиб, очиқ майдонларгача ўрнатилиши мумкин. Мосламаларимиз ишлаб чиқариш ва қурилишда оғир юкларни кўтариш, ташиш ишларида қўлланилади. Иншоот секторида металл, мармар ва бошқа турдаги материаллардан фойдаланишда кенг ишлатилади. Ўзбекистонда кўп йилдан бери фаолият юритиб келмоқдамиз. Хусусан, юртингиздаги “Akfa”, “Çetinkaya” ва “Durable beton” компаниялари учун кранлар етказиб бермоқдамиз. Корхонамиз 1995 йилдан бери шу типдаги оғирлик кўтарувчи кранларни ишлаб чиқармоқда. Ҳозирда 15 минг квадрат метр майдонда ёпиқ заводимиз бор. Европа, Африка ва Осиё қитъаларида сотув офисларимиз, корхоналаримиз мавжуд. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда иншоот ва бошқа соҳаларда ижобий ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Уч-тўрт йилдан бери тадбиркорлик ишларида мукаммал ўсиш бор. Биз юртингизнинг келажагини порлоқ кўряпмиз. Беш йилдан бери Ўзбекистондамиз. Қарши шаҳридан ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш учун 4 минг квадрат метр ер ажратилди. Аммо бутун дунёда бўлгани каби, бу ердаги фаолиятга ҳам пандемиянинг салбий нуқсони урди. Аммо қатъиян Ўзбекистонда корхона қуриш ниятидамиз. Марказий Осиёда Туркманистон, Қозоғистон ва Эронда фақатгина сотувни амалга оширамиз. Ташув машиналари ёрдамида кранларни харидорга етказиб берамиз. Кранлар 200 тоннага қадар юкни кўтаришга мўлжалланган.

Очиқлик Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг туб моҳиятига айланди. Мамлакатимизнинг тобора ривожланиб бораётган ички саноатига хорижий тажрибани уйғунлаштириш, халқаро савдо ва экспорт имкониятларига шарт-шароит яратиш давлат эътиборида бўлиб келмоқда. Юксак савияда ўтказилган 23-халқаро қурилиш кўргазмаси ҳам амалда юртимизнинг ишбилармонлик муҳитини халқаро миқёсида тарғиб этиш ҳамда хорижий инвесторларнинг эътиборини жалб қилишда муҳим қадам бўлди.




*Нафосат фаслининг дебочаси*

*8 март*

*Халқаро хотин-қизлар байрами билан*
*Сиз — муҳтарам аёллар ҳамда мафтункор қизларни чин қалбдан қутлаймиз.*
*Шодлик, қувонч ва хурсандчилик сизга доимо ҳамроҳ бўлсин!*

**“Univer pro stile” МЧЖ**


## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**Март ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги аппарат раҳбари **Воситжон Имомов,** Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Шохсанам Султанова,**

Андижон вилояти, Балиқчи тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Сарварбек Охунов,**

Бухоро вилояти, Вобкент тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Рахматулло Азаматов,** бош мутахассис **Умрбек Улуғов,**

Самарқанд вилояти, Нуробод тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Миржалол Ибодуллаев,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси кассири **Аслиддин Ибрагимов,** Чирчиқ шаҳар қурилиш бош бошқармаси шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Дониёр Шарафутдинов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**


IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-343.
2333 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 03.30.
Топширилди – 04.00.

1 2 3 4 5 6